

Исломни қабул қилган таиландлик профессор



19:40 / 17.04.2019 5163

Халқаро конференцияларнинг бирида одам анатомияси соҳасидаги машҳур олимлардан бири, таиландлик профессор Тажасат Тажасан сўзга чиқиб, инсондаги асаб тизими, асаб толаларининг тери остида қандай жойлашиши, агар тери куйдирилса, тери остидаги асаблар ҳам куйиши натижасида инсон оғриқни сезмай қолиши ҳақида гапирётган эди. Конференцияда қатнашаётган мусулмон олимлардан бири Қуръондаги:

جُلُودًا بَدَّلْنَاهُمْ جُلُودَهُمْ فَضَجَّتْ كُلَّمَا نَارًا نُصَلِّيهِمْ سَوْفَ بِثَائِتِنَا كَفَرُوا الَّذِينَ إِنَّ

حَكِيمًا عَزِيزًا كَانَ اللَّهُ إِيَّاكَ الْعَذَابَ لِيَذُوقُوا غَيْرَهَا ﴿٥٦﴾

«Оятларимизга куфр келтирганларни албатта оловга киритиб, куйдирурмиз. Қачонки терилари етилиб пишганда, азобни

тотишлари учун уларга бошқа тери алмаштирурмиз. Албатта, Аллоҳ ўта иззатлидир, ўта ҳикматлидир» (Нисо сураси, 56) оятини ўқиб беради.

Аллоҳ таоло бу оятда бизнинг эътиборимизни дўзах азоби қандай бўлишига қаратмоқда. Доимий, тўхтовсиз, енгиллаштирилмайдиган, абадий азоб. Дўзах аҳлининг териси ҳар сафар куйиб, оғриқни сезмай қолганда, азобни ҳис қилишлари давом этиши учун Аллоҳ таоло уларнинг териларини янгилаб қўяр экан.

Мазкур оятнинг тафсирини профессорга тушунтириб берилганда, у: «Ушбу гаплар бундан ўн тўрт аср олдин айтилганми?» деб сўради. Олимлар: «Ҳа» деб жавоб беришди.

Шунда профессор: «Албатта, бу ҳақиқатни олимлар яқинда билишди. Юқоридаги оятни айтувчи башар бўлиши мумкин эмас. Балки у оят Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодандир. Энди ушбуни айтиш вақти келди: «Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан Росулulloҳ», деди.

Келинг, азизлар! Мазкур оят ҳақида ўйлаб кўрайлик!

Тери куйса, терининг остидаги асаб толалари ҳам куяди. Асаб толалари куйгач, инсон оғриқни сезмайди. Кофир кимсалар «Қисқа муддат, то териларимиз куйгунича азобланамиз. Кейин азоб ва оғриқни сезмай қоламиз» деб ўйлашар экан. Улар азоб ва оғриқ тери куйгунича бўлади, кейин сезилмай қолади, деб хаёл қилишар экан.

Аллоҳ таоло қуйидаги оятларда бундай деб марҳамат қилган:

﴿٧٥﴾ مَبْلُؤُونَ فِيهِ وَهُمْ عَنْهُمْ يُفْتَرُونَ ﴿٧٤﴾ خَالِدُونَ فِيهَا فِي الْمَجْرِمِينَ إِنَّ

«Албатта, жиноятчилар жаҳаннам азобида мангу қолувчидирлар. У улардан енгиллатилмас ва улар у(азоб)да ноумид ҳолда қолурлар» (Зухруф, 74-75-оятлар).

Аллоҳ таоло ушбу оятларда кофирлар дўзахда абадий азобланишларини, улардан азоб енгиллатилмаслигини баён қиляпти. Агар Аллоҳ таоло кофирларни дўзахда абадий азобласа, улардан азоб енгиллатилмаса, терилари куйиб, оғриқни сезмай қолганларида, азобни яна тотишлари учун уларнинг териларини янгисига алмаштириб қўяди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга куйган тери оғриқни сезмай қолиши ҳақидаги илмий ҳақиқатни ким етказди? Бу илмий ҳақиқатни башарият яқиндагина билди-ку!

Инсоният яқиндаги билган ушбу илмий ҳақиқат бундан ўн тўрт аср олдин Қуръонда айтиб қўйилгани Қуръоннинг Аллоҳ таолонинг ҳузуридан нозил бўлганига етарли далил эмасми?!

Агар юқоридаги оят одам анатомияси соҳасидаги энг таниқли олимлардан бирининг исломни қабул қилишига ундаган бўлса, бу нарса дунёдаги барча олимлар, сайёрамиз аҳлининг ҳаммаси Аллоҳга иймон келтириб, исломни қабул қилишига етарли далил эмасми?!